

МАЊАВИЙ-МАЊРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАРГИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Рўзиев Машхур Мансурович

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси Ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси факултети сиртқи таълим 1-босқич тингловчиси,  
подполковник

**Аннотация:** Мазкур мақолада мањавий-мањрифий ишларни ташкил этишда замонавий тарғибот технологияларидан фойдаланишнинг бугунги ҳолати ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Мањавият ва мањрифат, Миллий истиклол ғояси, Одобнома, Давлат ва хуқук асослари, Конституция оламига саёҳат ва ижтимоий-сиёсий тарғибот.

Ўзбекистонда мањавий-мањрифий ишларни ташкил этишда замонавий тарғибот технологияларидан фойдаланиш тизимида давлатнинг мавжуд ҳолатни тахлил килиш учун бу борада амалга оширилаётган ишлар куйидаги учта гурухга ажратиб тахлил килиш мумкин:

1. Мањавий-мањрифийишлар тизимининг меъёрий-хукукий таъминоти;
2. Мањавий-мањрифий ишларни амалга оширишнинг ташкилий механизми;
3. Мањавий-мањрифий ишларни амалга оширишнинг технологик таъминоти.

Мањавий-мањрифий ишлар тизимининг меъёрий-хукукий таъминоти.

Мавжуд маълумотлар тахлили Республикаизда мањавий-мањрифий ишлар самарадорлигини оширишга каратилган жами 8 та конуности хужжатлари кабул килингандигини курсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир катор фармон, карор ва фармойишлари, шунингдек, Вазирлар Мажкамасининг икки карори кабул килингандиган. Мамлакатимизда мањавий-мањрифий ишлар тизимининг бугунг ҳолатинига баҳо бериш учун ушбу йуналишдаги давлат сиёсатининг хукукий-институционал жихатдан ривожланишини боскичларга ажратиб тахлил килиш талаб килинади.

Биринчи боскич, 1994 йилдан, 1999 йилгача булган даврни уз ичига олган. Дастреб 1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонига асосан Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ташкил этилган.

Ушбу фармон ижросини таъминлаш ва такомиллаштириш максадида 1994 йил 8 июнда Узбекистан Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги карори кабул килинган.

Шунингдек, 1996 йил 9 сентябрда маънавият соҳасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармони эълон килинган.

Мазкур фармонда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йуналиши эканлиги белгилаб куйилган. Бундан ташкари жойлардаги маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият КоракалпоФистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шахар ва туман хокимлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарларининг зиммасига юкланган.

1998 йил 24 иулга келиб, соҳани ривожлантириш максадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг“Маънавий-

маърифий ислохотларни янада чукурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори кабул килинган.

Карор кабул килинганидан сунг 1999 йил 3 сентябрда Узбекистан Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат кенгашини куллаб-куватлаш тўғрисида”ги фармони билан Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ташкил этилган. Колаверса, Кенгашнинг фаолият дастури, Низоми ва ташкилий тизими тасдикланиб унинг таркибига Республика Маънавият ва маърифат хамда Миллий мафкура

38

илмий Тарғибот Марказлари кириши ва Кенгаш раҳбарлигига ишлаши курсатилган.

Иккинчи боскич, 2000-2016 йилларни камраб олган. Ушбу боскичда “Миллий истиклол Фояси: асосий тушунча ва тамоийиллар” рисоласи тайёрланиб, нашрдан чиқарилган. 2001 йил 18 январда “Миллий истиклол Фояси: асосий тушунча ва тамоийиллар фани буйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Президент фармойиши эълон килинган. Мазкур фармойишга кура, мамлакатимизда “Миллий истиклол Фояси: асосий тушунча ва тамоийиллар” фани буйича таълим дастурлари яратилиб, республика таълим тизимига жорий этилган.

Бугунги кунда, Олий таълим муассасаларида “Миллий истиклол Фояси; хукук ва маънавият асослари” номли йуналиш фаолият юритмоқда. Унинг

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH**  
**VOLUME-7 ISSUE-2 (29- February)**

битириувчилари таълим муассасаларида “Одабнома”, “Ватан туигуси”, “Миллий истиклол Фояси ва маънавият асослари”, “Миллий истиклол Фояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Маънавият асослари”, “Давлат ва хукук асослари”, “Конституция оламига саёхат”, “Конституцияни урганиш” ва бошка шу каби махсус фанлардан дарс бермоқда.

Таъкидлаб утиш лозимки, 2006 йил 25 августда кабул килинган Узбекистан Республикаси Президентининг “Миллий Фоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 451-сонли карори, маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштиришда мухим ахамият касб этган.

Ушбу карор кабул килинганидан кейин соҳада ташкилий жихатдан турт мухим янгилик юз берган.

1. Республика Маънавият ва маърифат кенгашига Раислик килиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири зиммасига юклатилган. Бундан ташкари, ун бир кишидан иборат кенгаш бошкаруви ташкил этилган.

39

2. КррaKannoFucТОН Республикаси Жукори Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хокимларининг маънавий-маърифий ишлар буйича ёрдамчиси штати (жами 14 та) жорий этилган. Республиканинг барча минтака ва худудларида биринчи раҳбар минтакавий-худудий Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси ҳисоблананиши белгилаб куйилган. Ёрдамчилар амалда ана шу минтакавий Маънавият ва маърифат кенгashi раисининг уринбосари ва жойлардаги маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда узаро мувофикаштиришда у Жукорги Кенгес Раиси ва хокимларга бевосита ёрдам бериши мульум килинган.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий гурухи — ижроия идораси ҳисобланмиш Республика “Маънавият ва маърифат” маркази Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилган. Унинг таркибий тузилишида хам муайян узгаришлар амалга оширилиб, кушимча равишда янги Тарғиботчилар фаолиятини мувофикаштириш ва малакасини ошириш булими очилган. Шунингдек, Ижтимоий-сиёсий, хукукий тарғибот булими Ижтимоий-сиёсий тарғибот булимига, Ижтимоий-иктисодий тарғибот булими эса Хукукий тарғибот булимига айлантирилган.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгashi хузурида шу пайтгача факат ютиб олган грантлари асосида фаолият олиб борган Миллий мафкура илмий тарғибот маркази давлат бюджетидан молиялаштириладиган Миллий Фоя ва мафкура илмий-амалий марказига айлантирилган ва унга 9 та янги штат бирлиги ажратилган.

Учинчи боскич, 2017 йилдан хозирги кунгача булган давр. Шу маънода Узбекистан Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар

самарадорлигини ошириш ва сохани ривожлантиришни янги боскичга кутариш тўғрисида"ги ПК-3160 карори кабул килинган.

Шунингдек, мамлакатимизда кабул килинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Харакатлар стратегиясида энг аввало, давлат бошқаруви

40

органларининг куйи бугинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халк билан мулокот килишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий хамкорлик механизмини мустахкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб куйилган.<sup>1</sup>

Ана шу максад ва вазифалардан келиб чиккан холда, маънавий- маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кулами ва микёсини кенгайтириш, тизимда фаолият курсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шахар) даражасидаги ходимлар меҳнатига хак тулашнинг баркарор тизимини йулга куйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофикаштириш ва уларнинг самарасини ошириш максадида соҳада бир катор узгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази хамда Миллий Фоя ва мағқура илмий-амалий марказини бирлаштириш йули билан уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат маркази кайта ташкил этилди.

Шунингдек, Узбекистан Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат кенгашига, КоракалпоФистон Республикаси ЖукорФи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шахар хамда туманлар (шахарлар) хокимлари тегишли равища худудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик килиши белгиланди.

Бундан ташкари марказ раҳбарига унинг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида узгаришлар киритиш хукуки берилди.

Шу билан бирга марказ ва унинг худудий булимлари хамда булинмалари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаЦлари, шунингдек, конун хужжатларида такикланмаган бошка манбалар хисобидан амалга ошириладиган булди.

1 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлари буйича Харакатлар Стратегияси

41

Яна шуни хам таъкидлаш керакки Марказ раҳбари макоми, майший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш шарт- шароитларига кура - вазирга, Марказ раҳбарининг биринчи уринбосари ва уринбосари - тегишли равища вазирнинг биринчи уринбосари ва уринбосарига тенглаштирилди.

Кабул килинган ушбу карорга асосан, мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ишлар Республика Маънавият ва маърифат маркази хамда унинг тузилмалари томонидан амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга келиб мазказнинг олий раҳбар органи Республика Маънавият ва маърифат кенгаши хисобланади. Кенгаши шакллаштириш билан боғлиқ нормалар Узбекистан Республикаси Президентининг 1999 йил 3 сентябрдаги ПФ-2385-сон фармони ва Республика Маънавият ва маърифат кенгаши таъсис хужжатлари билан белгиланади. Кенгаш йисидипоари бир йилда бир маротаба утказилиб, мамлакатда маънавий- маърифий ишларнинг ахволи тахлил этилиб, тегишли карорлар кабул килинади.

“Харакатлар Стратегияси” асосида 2017 йил давлат дастурида Миллий контентни ривожлантириш, давлат тилидаги таълим, илмий- маърифий, ёшлар эҳтиёжларига мос замонавий ахборот ресурсларини, мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва тарғиб килиш механизмларини такомиллаштириш вазифаси куйилган булиб унинг ижросини таъминлаш учун Вазирлар Махкамасининг карори лойихаси тайёрланди. Карорда миллий контентни, давлат тилидаги ахборот ресурсларини яратиш ва тарғиб килиш, ёшлар эҳтиёжларини инобатга олган холда, уларни етарли таълим, илмий-маърифий ахборот ресурслари билан таъминлаш хамда ушбу соҳани янада ривожлантириш буйича аник чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чикиш хамда амалиётга жорий этилш назарда тутилади. Шунингдек, карор лойихаси билан Миллий контентни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблаГларини ушбу йуналишдаги

42

лоихаларга максадли йуналтириш масаласи куриб чикилади<sup>1</sup>. Шунингдек, 2018 йилги давлат дастурида фукароларнинг ижтимоий- хукукий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият курилишининг долзарб вазифаларини хал этишга жамиятнинг интеллектуал ва маънавий-ахлокий салоҳиятини сафарбар этиш масалалари назарда тутувчи идоравий хужжатда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун- моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, жамиятда юксак хукукий маданиятни, конун ва инсон хукукларига хурмат муносабатини шакллантириш буйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш вазифаси куйилган.<sup>2</sup> Бундан ташкири таълим тизимида маънавий- маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш максадида “Таълим тўғрисида”ги Узбекистан Республикаси конунининг янги таҳрирдаги лойихасини ишлаб чикилади.

Маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг ташкилий механизмининг бугунги холати. Республика Маънавият ва маърифат маркази маънавий-маърифий ишларни амалга оширивчи асосий субект хисобланиб марказнинг ташкилий таркибига КоракалпоФистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар худудий булимлари, Туман ва (шахар) булинмалари, “Маърифат”

тарғиботчилар жамияти, “Маънавият тарғиботчиси” таълим муассасаси, шунинингдек, “Тафаккур”, “Маънавий хаёт”, “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Маънавият” нашриёти киради.

Республика Маънавият ва маърифат маркази хамда унинг тузилмалари тегишли Устав ва низомлар асосида фаолият курсатади хамда Марказ раҳбари томонидан мувофикаштириб борилади.

Бундан ташкири, Республика Маънавият ва маърифат маркази ташкилий тузилишига кура 13 та булимдан иборат. Жойлардаги маънавий-

12017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Ҳдракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида Узбекистан Республикаси Президентининг фармойиши

Президентнинг 22.01.2018 йилдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Ҳдракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион таялар ва технологияларни куллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тугрисида” Фармони. Кхъ1ҳ1Б: 06/18/5308/0610-сон 23.01.2018 й.

43

маърифий Тарғибот ишларини ташкил этиш ва мувофикаштириш булими томонидан маънавий-маърифий ишларнинг ташкилий механизми шакллантирилади.

Хозирги кунда марказ тузилмаси ходимларининг умумий чекланган сони олтмиш нафарни ташкил этмоқда. Колаверса, унинг худудий КоракалпоГистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар, шунингдек, туман ва (шахар) булинмаларида жами 283 нафар мутахассислар фаолият олиб бормоқда.

Маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг ташкилий механизмини ривожлантиришда бугунги кунда Республика Маънавият ва маърифат маркази кошида ҳалқимизнинг бой маънавий, маданий меросини республикамиз ва хорижда тарғиб килиш учун илмий, фото, аудио, видео студиялар ташкил этиш, болалар, усмирлар ва катталар учун мулжалланган миллий маънавият тарғиботига бағишланган хамда маърифий йуналишдаги долзарб мавзуларда хужжатли ва бадиий филъимлар, шунингдек, укув услубий филъимларни яратиш, Узбекистан Миллий телерадиокомпаниясининг “Узбекистан”, “Ёшлар”, “Тошкент”, “Маданият ва маърифат”, “Дунё буйлаб” телеканаллари оркали “Куч- адолатда” шиори остида хуқукий, маънавий-маърифий ва ахлокий тарбияга оид туркум дастурлар хамда курсатувлар тайёрлаб бориш, ОАВ жумладан, радио-телеканаллар хамда босма нашрларда берип борилаётган маънавий-маърифий соҳага тегишли материалларни кенг омма эътиборига хавола этилаётган турли фильмлар ва китобларни миллий домендаги веб- сайтлар маъно-мазмунини, мамлакатимиз ва дунёда юз бераётган воқеаларни тахлил килиш максадида Республика Маънавият ва

маърифат маркази кошида сиёсатчи, адабиётшунос, хукукшунос, файласуф, социолог ва бошка турли соҳа мутахассисларидан иборат эксперт гурухлари ташкил этиб унинг фаолиятини йулга куйиш, ёшлар билан ишлашда маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини оширишга каратилган замонавий ахборот технологиялари имкониятлари асосида уни амалга

44

oshireshning turli taъsirchan mechanismlariни яратиш ва кенг фойдаланиш ишларини олиб бориш масалалари марказ олдидаги асосий вазифалар хисобланади.

Маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг технологик таъминотининг бугунги уолати. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига таъсир килувчи асосий омиллардан бири замонавий тарғибот технологияларидан фойдаланиш даражасихисобланади. Замонавий тарғибот технологиялари эса уз навбатида техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг технологик таъминотининг холати тизимнинг самарадорлигини билдирувчи мезон хисобланиди. Бугунги кунда Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг жойлардаги булимларида 120 га якин компьютер, 70 га якин принтер ва 10 дан ортиқ планшетлар мавжуд булиб, уларнинг бир кисми хизматга яроксиз (Самарханд вилоятида 17 та, Наманганда 9 та, Бухорода 6 та компьютер фойдаланишга яроксиз Тошкент вилоятида 20 та, Корақалпостонда 17 та планшетга ехтиёж бор), бир кисми эскирган.1 Бундан ташкари, мавжуд компьютерларнинг 90% и Интернетга уланмаган булиб, ахборот хуружлари Интернетда кучайган хозирги кунда маънавий маърифий ишлар тарғиботини олиб бориш имконини бермайди.

Шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги худудий булимларининг аксарият кисмида бино йук кулиб улар вилоят хамда шахар ва туман хокимликларининг биноларида ижарасиз фаолият олиб боришмокда. Бундан ташкари, марказнинг худудий булимларида бирорта хам фото, видео студиялар фаолият курсатмайди.

Бу уз навбатида замонавий тарғибот технологияларидан фойдаланилмаслигига сабаб булмоқда.

1 Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоятлар булими, туман (шахар) булинмаларининг моддий-техник базаси хакидаги 2017 йилги хисоботи

45

Утказилган эксперт сурвларида маънавий-маърифий ишларни олиб боришда замонавий тарғибот технологияларини куллашнинг бугунги холатига нисбатан эксперталар баҳоси олинди. Хусусан, шу соҳадаги эксперт ф.ғ.н Ш.Тураев томонидан маънавий-маърифий ишларни олиб боришда замонавий тарғибот технологияларини куллашнинг бугунги холатига баҳо бериб, бу борада сунги вактларда ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини сузлаб

берди. Бугунги кунда тарғиботчиларга Интернетта уланган 218 планшет етказиб бериш режалаштирилган ва улар томонидан ижтимоий тармокларда маънавий хашар лойихаси олиб борилишини таъкидлади.

Экспертларнинг фикрича, хозирги ахборот асри маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришга булган талабни ортишига олиб келмоқда. Хусусан, замонавий ахборот маконида нафакат эзгу, бунёдкор Фоялар, айни пайтда вайронкор, тажовузкор Фоялар хам мавжудлиги бу масалани долзарблигини курсатмоқда. Бу жараёнда маънавий-маърифий ишлар сифатини яхшилаш учун хар бир мамлакат, миллат ва халкнинг миллий Фояси хамда маънавий хусусиятларини хисобга олган ҳолда замонавий тарғибот технологияларидан фойдаланиш алоҳида ахамиятга эга. Бугунги кунда дунёда бир катор муаммолар мавжуд. Булар биринчидан, миллий маънавий негизларга купрок бир томонлама эътибор каратилаётгани, иккинчидан, умуминсоний томойилларни бир оз оксаётгани ва жаҳон хамжамиятида инсонларни бирлаштириб уларни ягона маънавий- маърифий максадга йуналтирадиган умумий гуманитар тарбия асослари бироз заифлашганлигини куриш мумкин. Бунга бузҒунчи Фоя ва мағкуралар босимининг кучайиши ва унинг таъсири натижасида давлатлар, Узбекистан тўғрисида хам ОАВда нотўғри хабарлар таркатилаётгани яккол мисол була олади. Ушбу вазиятда халкимиз қалби ва онгида ана шундай ёлғон ахборотларга карши иммунитет хосил килиш учун маънавий-маърифий ишларни тарғиботнинг янги усул ва

46

воситаларини қуллаган ҳолда олиб бориш зарур эканлигини таъкидлашмоқда.

Шу маънода тарғибот ишини шунчаки анъанавий учрашув ёки суҳбатдан кура, замонавий техник воситалар билан уЙФунлаштириб бориш ва улардан кенгрок фойдаланиш маънавий-маърифий тарғиботнинг самарадорлигини ошишига хизмат килиши мумкин. Лекин шуни ҳам айтиш керакки анъанавий усул билан замонавий усулни бир-бирига карама-карши куйиш мумкин эмас. Улар бир-бирини тулдириши ва жонли учрашувлар, суҳбатлар ва баҳс мунозаралар, савол жавоблар ва замон фани ютуклари психологик ҳамда социологик сурвномаларга таяниб одамларни нимага кизикишини аниглаш зарур. Бу кизикишлардан келиб чишиб, маънавий-маърифий ишларда замонавий тарғибот

технологияларидан фойдаланиш купрок самара беради.

Шунингдек, янги технологияларни қуллашда маънавий-маърифий ишлар олиб бориладиган муҳит ва у ерда аҳолининг кайфиятига ҳам эътибор каратиш зарур деб билади. Чунки одамларда ҳали анъанавийлик кайфияти мавжуд булиши мумкин. Уни узгартириш учун маънавий- маърифий ишларга янгича ёндашиш талаб килинади. Қачонки маънавий- маърифий ишлар янгича ташкил этилса одамлардаги анъанавийлик аста секинлик билан йуколиб бораверади.

Шу маънода энг тўғри йул шароитни ҳисобга олиб замонавийликни анъанавийлик билан бogaаб маънавий- маърифий ишларни ташкил этиш максадга мувофик булишини айтиб утди.

Бундан ташкари, эксперт тарғибот ишлари учун таълимдан ташкари жараёнда техник воситаларнинг етишмаётгани, колаверса, маънавий- маърифий ишларни ташкил этишда анъанавий усуллар устуворлигини сакланиб колаётгани ва замонавий технологияларни куллаш суст эканлиги соҳада асосий муаммо булиб турганлигини таъкидлади. Шунингдек, маънавий- маърифий ишлар самарадорлиги, тарғиботда иштирок этаётган катламнинг миллий Фояга булган ишончи, ватанпарварлик туйғуси, ижтимоий фаоллиги ва илм-фанга булган кизикиши, ҳаётий

47

мулжалларининг аниклиги ва дунёкарашининг кенглиги каби мезонлар билан улчанишини маълум килди.

2018 йил бошида республикамизда Интернет дан 20 млн, мобил алока хизматидан 22.5 млн нафар аҳоли фойдаланаётгани, шунингдек, "UZ" доменидаги сайтлар сони 32.5 мингни, веб-сайтлардан фойдаланувчилар бир ойда 31 млн.дан ошгани, бундан ташкари, республиканинг 95% аҳолиси ракамли телевидениядан фойдаланаётганлигини таъкидлаб утди.

Бундан ташкари, маънавий-маърифий ишларни ташкил этувчи, мувофиклаштирувчи жойлардаги тарғиботчилар фаолияти коникарли даражада эмаслиги, тарғиботни ташкил этишда йил давомидаги режага асосланиб колаётгани ва жойлардаги аҳолига таъсир курсатиш буйича килиниши зарур булган ишлар ҳисобга олинмаётгани, бугунги кунда тарғибот технологияларни куллаш буйича укув кулламалари нашр килингани, техник воситаларни мавжудлигига карамасдан тарғибот жараёнида укувчига намойиш килиниши лозим булган мультимедиа воситаларининг етишмаётгани, тарғиботда ҳали ҳам эски булган бопынгич воситалардан фойдаланилаётгани, телевидениядаги маънавий- маърифий курсатувлар томошабинларни кизиктирмаслиги, Республика маънавият-маърифат марказининг хуносалари тавсиявий характерга эга эканлиги тизимни самарасиз ишлашига олиб келаётган муаммолар сифатида баҳолади.

Умуман олганда, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда замонавий тарғибот технологияларидан фойдаланишнинг бугунги ҳолати юзасидан олиб борилган изланишлар, олинган статистик малумотлар, эксперт сурови натижалари маънавий-маърифий ишлар тизимининг меъерий-ҳукукий таъминоти, ташкилий механизми, маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг технологик таъминоти билан боғлиқ муаммоли вазиятлар мавжудлигини курсатмокда.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3898-сон қарори. // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 08.08.2018 й. 07/18/3898/1622-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги низомини тасдиқлаш тўғрисидаги 2019 йил 12 сентябрдаги

ПҚ-4447-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. // ҚҲММБ: 07/19/4447/3747 13.09.2019 й.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.Т.:“Ўзбекистон” НМИУ. 2016. 56 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги. “Ватанпарвар”, 2022 йил 17 январь. №3.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2018 йил 10 майдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини самарали амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 215-сон буйруғи;